



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 2 (4)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 2-son 2026 yil*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

2

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Аслонов С.М., Амиджанова М.М. Развитие бизнес-идей (стартапов) предпринимательской деятельности в Республике Таджикистан.....	7
Умаров И.Ю. Современные тенденции инновационного развития пищевой промышленности Узбекистана.....	13
Akbaraliyeva D., Mirzamahmudova M. Bank tizimi tarixi va rivojlanishi.....	16
Mamajonova N.A. Qurilish korxonalarida innovatsion boshqaruv faoliyati samaradorligini baholash ko‘rsatkichlari arxitekturasi.....	22
Ahmadkulov D.R., Xamrayev O.Y., Khattobov U.B. Kriptovalyutaga soliq solishda jahon tajirabasi va muammolar.....	25
Toshpulatov A.M. Qurilish materiallari sanoati korxonalarining ishlab chiqarish hajmini baholash usullari.....	30
Bahromov Sh.F. Jahonda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning (TXXI) iqtisodiy rivojlanish bilan bog‘liqligini tahlili.....	34
Kalmuratov B., Izzetov B., Yusupova J., Shamuratova A. Calculation in econometric models of human capital financing in innovation management in Uzbekistan.....	39
Sultonov B.M. Oilaviy korxonalar faoliyatini boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmiga ta‘sir etuvchi omillar va ularni baholash asoslari.....	43
Юсупов М.Х. Фарғона вилояти маҳаллаларида ижтимоий омилларнинг иқтисодий барқарорликка таъсири: демография, гендер ва миграция таҳлили.....	47
Жаббаров К.Й., Жалолов И.Х., Эркинов М.Д. Молиявий ҳисобот тизимининг моҳияти ва шаклланиш босқичлари.....	57
Гулямова Н.Х. Саноат корхоналарини инновацион ривожланиши ва миллий иқтисодиёт ўсиши.....	61
Arziboyeva R.S. Banklarda asosiy vositalar va mablag‘lar hisobini takomillashtirish.....	64
To‘raboyev Q.Q. Raqamli iqtisodiyot sharoitida mamlakatimizda soliq tizimini modernizatsiya qilish va sun‘iy intellekt hamda Big Data yordamida nazorat.....	67
Tojiboyev I.I. Raqamli biznes va elektron tijoratni soliqqa tortishning dolzarb masalalari va yechimlari.....	70
Xolmirzayev I.O. Kichik biznes va tadbirkorlik subyektlari faoliyatining rivojlantirishning iqtisodiy yo‘llari.....	74
Saidova M.J. Sanoat tarmoqlari transformatsiyasi sharoitida texnologik eskirish va modernizatsiya muammolari.....	79
Usmonova N.A. Andijon viloyatida kichik korxonalar faoliyat samaradorligiga ta‘sir etuvchi omillarni statistik va ekonometrik tahlil qilish.....	83
Xaydarov M.T., Jannazarova G.K. Bozor infrastrukturasi va uning rivojlanish istiqbollari.....	87
Худайназарова Д.Г. Фармацевтика корхоналарида харажатларга доир ахборотларни бухгалтерия ҳисоботларида очиб бериш тартибини такомиллаштириш.....	93
Madaminov A.M. O‘zbekistonda sanoat tarmoqlari faoliyatida oziq-ovqat sanoati rivojlantirish istiqbollari.....	99
Zufarova G.A. Kambag‘al va ishsiz fuqarolarni tadbirkorlikka jalb qilish masalalari.....	103
Ergashev I.I. Kichik korxonalar investitsiyaviy jozibadorligini samarali boshqarishda jahon amaliyoti tajribasi.....	106
Sativaldiyeva G.X. Ijara munosabatlarini mohiyati, ahamiyati va tasniflanishi.....	110
Kamilova A.N. Sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirishda mehnatni normalashtirish tizimining o‘rni va ahamiyati.....	115
Базарова Г.Г. Занятость населения в Узбекистане – теоретико-методологические основы анализа и практические механизмы решения проблем.....	119
Turabov B.T. Byudjet taqchilligi va xalqaro moliyaviy oqimlarning ta‘siri.....	125
Xamzaev A.N. Mamlakatimizda kapital bozorini rivojlantirish yo‘llari.....	131
Xamzaev A.N., Mirzajonov M. Mamlakatimizdagi xususiy korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish yo‘llari.....	136

Raximova L.Sh. Innovatsion iqtisodiyot sharoitida ayollar tadbirkorligining roli va uning turmush farovonligiga ta’siri.....	141
Nosirov S.N. ESG tamoyillarini joriy etish orqali sug’urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini oshirish mexanizmlari.....	146
Maxkamov X.M. Tijorat banklarida muammoli kreditlar ulushini kamaytirishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish.....	150
Hamrakulova M.F. Sanoat korxonalarida innovatsion boshqaruv mexanizmlarining mahsulot sifati va bozor raqobatbardoshligiga ta’siri.....	153
Mirzayeva L.S. O‘zbekiston qimmatli qog‘ozlar bozoridagi aksiyalar likvidligini oshirish yo‘llari.....	157
Очилов Ж.Ж. Инновацион ривожланишда кичик бизнес фаолияти экотизимининг роли..	160
Usubjonov Z.V. Qurilish materiallari bozori mohiyati va uning xususiyatlari.....	165
Bekmurodov N.X. Hududiy iqtisodiy rivojlanishning nazariy asoslari va konsepsiyalari.....	170
Yusupova M.B. Zamonaviy boshqaruv tizimi va strategik boshqaruv hisobi.....	175
Xudayberdiyev O.A. Globallashuv sharoitida elektron tijorat orqali tadbirkorlik subyektlarining xalqaro savdo munosabatlarini rivojlantirish mexanizmlari.....	179
Bo’stonova N.A. Andijon viloyatida kichik biznes subyektlarining salohiyatini tahlili.....	187
Bo’stonova N.A., Nematjonova R.D. O‘zbekistonda aholining daromadlari va iste’mol xarajatlarining biznes rivojlanishiga ta’siri.....	192
Hamidova Sh.O. Sanoat korxonalarida mehnatni tashkil etish va boshqarish samaradorligi tahlili.	196
Abdullayeva Z.S. Maxsus iqtisodiy zonalar faoliyatining ijtimoiy va institutsional samaradorligi.	199
Duvshatova N.K. Hududlararo iqtisodiy nomutanosiblikni tartibga solishda investitsion yondashuvlarning samaradorligi.....	203
Усманова А.Б. Цифровая составляющая устойчивого развития региональной туристской системы (на примере Бухарской области).....	207
Qidirniyozov A.Sh. Uy-joy qurilishida kapital qo‘yilmalar hajmi va yakuniy natijalar o‘rtasidagi bog‘liqlikni ekonometrik modellashtirish.....	213
Dexkanova Sh.K. Aylanma iqtisodiyotning barqaror rivojlanishdagi ro‘li.....	217
Gulimboyev S.I., Rejapov X.X. Aholining farovonligini ta’minlashda ijtimoiy qo‘llab-quvvatlashning o‘rni.....	221
Mamatov B.S. O‘zbekistonning investitsion imkoniyatlari: asosiy tendensiya va natijalar.....	226
Kamoldinova N.A. Ayollar tadbirkorligini rivojlantirish – ular bandligini ta’minlashning asosi.	231
Aminboyev J.O. Amortizatsiya hisobida foydali xizmat muddatini aniqlash: nazariy va amaliy yondashuvlar.....	235
Maxramova N.Y. Strategik menejmentda kadriyatlar zanjiri: raqobatbardoshlikni oshirishning konseptual asoslari.....	241
Usmanova S.S. Innovative development of the pharmaceutical industry.....	245
Faxriddinova N.N. Yashil tadbirkorlik va uning iqtisodiyotdagi o‘rni.....	250
Захирова Г. Тиббий туризм хизматлари бозори ривожланишининг хориж тажрибаси.....	254
Абдуллоев А.Ж. Барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтакавий саноатлашувни амалга оширишнинг хорижий мамлакатлар амалиёти.....	258
Sharapova N.K. Hududlarni barqaror rivojlantirish dasturlarini xalqaro standartlar tizimiga moslashtirish imkoniyatlari.....	264
Rahmatullayeva D.O. Demografik omillar va bandlik samaradorligi o‘rtasidagi munosabatlar..	272

o'shish uchun kiruvchi omillarni optimallashtirish va chiquvchi omillarni monitoring qilish muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Юлдашев Д.Т. Оилавий тadbirkorликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. (PhD) диссер. иши. –Т.2019, 60-б.
2. Пардаева О.М. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тadbirkorликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари: и.ф.ф.д. (PhD) диссер. иши. –Т. 2020, 56-б.
3. Kuvandikov Sh.O. Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirishda oilaviy tadbirkorlik rolini oshirishning metodologik masalalari: i.f.d. (DSc) disser. ishi. -Samarqand, 2021, 71-b.
4. Berkinov B.B. Oilaviy tadbirkorlik salohiyatini oshirish yo'llari./ Monografiya. – Т., 2019. -125 b.
5. Khalimovna, J.K. (2023). The role of family businesses in the economy of the country: the example of Bukhara region. Лучшие интеллектуальные исследования, 11(3), 91-95.

УДК:314

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛАЛАРИДА ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРНИНГ
ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ТАЪСИРИ: ДЕМОГРАФИЯ, ГЕНДЕР ВА
МИГРАЦИЯ ТАҲЛИЛИ**

**ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНЫХ ФАКТОРОВ НА ЭКОНОМИЧЕСКУЮ СТАБИЛЬНОСТЬ
В РАЙОНАХ ПРОВИНЦИИ ФЕРГАНА: АНАЛИЗ ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ДАННЫХ,
ГЕНДЕРНОГО АСПЕКТА И МИГРАЦИИ.**

**INFLUENCE OF SOCIAL FACTORS ON ECONOMIC STABILITY IN
NEIGHBORHOODS OF FERGANA PROVINCE: ANALYSIS OF DEMOGRAPHY,
GENDER AND MIGRATION**

**Юсупов Муслимбек Хошимжонович,
Қувасой шаҳар ҳокимининг ёрдамчиси**

Аннотация

Мақолада Фарғона вилояти маҳаллаларида ижтимоий омилларнинг иқтисодий барқарорликка таъсири демография, гендер муносабатлари ва миграция кўрсаткичлари орқали таҳлил қилинди. 2020–2024 йиллар статистикаси асосида аҳоли сонининг ўсиши, меҳнат ресурслари, аёллар бандлиги ва ташқи миграция оқимлари маҳалла иқтисодиётига қандай таъсир қилаётгани ўрганилди. Таҳлилдан маълум бўлдики, демографик юкламаларнинг ошиши ва ёшлар миграцияси маҳаллий меҳнат бозорини заифлаштирмоқда, аёллар бандлигининг ўсиши эса хизматлар секторида янги иқтисодий имкониятлар яратмоқда. Иқтидорли мигрантлар кирими ва маблағлар трансферти маҳаллий бизнес ва уй хўжаликлари бюджетларини барқарорлаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Мақолада норматив-ҳуқуқий база, статистик маълумотлар, жадвал ва диаграммалар асосида хулосалар берилган.

Калит сўзлар: демография, гендер, миграция, маҳалла иқтисодиёти, барқарорлик индекси

В статье анализируется влияние социальных факторов на экономическую устойчивость махаллей Ферганской области через демографию, гендерные аспекты и миграционные процессы на основе статистики 2020–2024 годов. Исследование показывает, что рост демографической нагрузки и молодежной миграции снижает устойчивость местного рынка труда, в то время как укрепление женской занятости создает новые возможности в секторе

услуг. Приток денежных переводов от мигрантов является важным фактором стабилизации местных бюджетов домохозяйств и бизнеса. Приведены нормативно-правовая база, статистические данные, таблицы и диаграммы.

Ключевые слова: демография, гендер, миграция, экономическая устойчивость, махалля

This article examines how social factors affect the economic resilience of mahallas in Fergana region through demographic trends, gender dynamics, and migration processes. Based on 2020–2024 statistics, the study reveals that increasing demographic pressure and youth migration weaken the local labour market, while rising female employment promotes new opportunities in the services sector. Remittances from migrants represent a stabilizing driver for household and local business budgets. The article incorporates legal framework, statistical data, tables and diagrams.

Keywords: demography, gender, migration, economic resilience, mahalla index

Маҳалла институти Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг энг муҳим бўғини сифатида нафақат ижтимоий-ташкилий, балки иқтисодий жараёнларни бошқаришда ҳам етакчи роль ўйнайди. Президентнинг “Маҳаллабай ишлаш” тизимини жорий этиш тўғрисидаги ПФ–60-сонли фармони ҳамда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да маҳалла иқтисодиётини ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган [1].

Фарғона вилоятида 840 дан ортиқ маҳалла фаолият юритади ва уларда 4,6 миллион атрофида аҳоли истиқомат қилади. Демография, бандлик, гендер муносабатлари, ички ва ташқи миграция жараёнлари маҳалла иқтисодиётининг барқарорлигига бевосита ва кўп қиррали тарзда таъсир кўрсатади. Масалан, 2024 йил статистикасига кўра, Фарғона вилояти аҳолиси 1,8 фоизга ўсган, ташқи меҳнат мигрантлари сони 210 мингга яқин, аёллар бандлиги эса 44 фоизни ташкил этган [2]. Бу рақамлар маҳалла даражасида иқтисодий сиёсатни режалаштиришда ижтимоий омилларни инобатга олиш зарурлигини кўрсатади.

Ижтимоий омиллар таъсири шартли равишда иккита йўналишда намоён бўлади. Бир томондан, демографик юклама ортиши, ёшлар миграцияси ва ишсизликнинг ўсиши маҳаллий меҳнат бозорини заифлаштириб, ижтимоий тартибсизлик ва даромадлар ноаниқлигини кучайтириши мумкин.

Иккинчи томондан, аёллар бандлигининг кенгайиши, сервис ва кичик бизнеснинг ўсиши ҳамда миграция трансфертларининг кўпайиши маҳалла иқтисодиёти барқарорлиги учун кўшимча ресурслар ва имкониятлар яратади. Шу нуқтаи назардан, демография, гендер ва миграция кўрсаткичларини маҳалла иқтисодий барқарорлиги индексида асосий индикатор сифатида ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ушбу мақоланинг мақсади Фарғона вилояти маҳаллаларида демографик, гендер ва миграцион омилларнинг иқтисодий барқарорликка таъсирини аниқлаш, 2020–2024 йиллар статистик маълумотлари асосида уларнинг тенденциясини таҳлил қилиш ҳамда маҳалла иқтисодий барқарорлиги индексида ушбу кўрсаткичларни инкорпорация қилиш имкониятларини асослашдан иборат.


1. Демография омилларининг иқтисодий барқарорликка таъсири

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда Фарғона вилояти аҳолиси сони 4,35 млн нафарни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб ушбу кўрсаткич 4,62 млн нафарга етган, бу эса тахминан 6,2 фоизлик ўсишни англатади. Аҳоли сонининг барқарор ўсиши юқори табиий ўсиш ва аҳолининг зич жойлашуви билан изоҳланади, бу эса Фарғона вилоятини мамлакатдаги энг зич аҳоли яшайдиган ҳудудлар қаторига киритиш имконини беради [3].

Фарғона вилояти аҳолиси сони (2020–2024 йй.) [4]

Йил	Фарғона вилояти аҳолиси сони, млн нафар
2020	4,35
2021	4,42
2022	4,49
2023	4,56
2024	4,62

Демографик ўсиш маҳаллий меҳнат бозорига қўшимча юклама туширади. Шу билан бирга, аҳолининг ёш таркибида ёшлар улушининг юқорилиги иқтисодий ўсишнинг муҳим салоҳияти сифатида намоён бўлади. 2024 йилда ёшлар (18–35 ёш) улуши 31,8 фоизни, 60 ёшдан юқори аҳоли улуши эса 9,2 фоизни ташкил этади. 1-диаграммада Фарғона вилояти аҳолисининг ёш таркиби тўртта асосий гуруҳ бўйича (0–15, 16–64, 65+) кўрсатилган бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли улушининг юқори экани кўзга ташланади (1-расм).



1-расм. Фарғона вилояти аҳолисининг ёш таркиби 2024 йил [5]

Бу демографик манзара иқтисодий барқарорлик учун икки қиррали таъсирга эга. Бир томондан, меҳнат ресурслари салоҳиятининг катталашishi, ички истеъмол бозорининг кенгайishi ва хизматлар секторига талабнинг ортиши маҳаллий иқтисодиётни кенгайтириш имкониятларини яратади. Иккинчи томондан, иш ўринлари етишмаслиги, таълим ва соғлиқни сақлаш инфратузилмасидаги босим, шунингдек ёшлар миграцияси хавфининг кучайishi ижтимоий-иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, 2024 йилда вилоятда 15 ёшдан юқори меҳнатга лаёқатли аҳоли 2,36 млн нафарни ташкил этган, ишсизлик даражаси эса 8,9 фоиз даражасида қайд этилган [5]. Бу кўрсаткичлар маҳалла даражасида янги

микроишлаб чиқариш, сервис ва агробизнес лойиҳаларини шакллантиришга бўлган эҳтиёж юқорилигини тасдиқлайди.

Кувасой шаҳри мисолида демографик жараёнлар иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари билан янада яққолроқ намоён бўлади. Кувасой шаҳри Фарғона вилояти саноат ва хизматлар тармоқлари жадал ривожланаётган ҳудудларидан бири бўлиб, 2024 йил ҳолатига кўра 125,6 минг аҳоли истиқомат қилади [6]. 2-жадвал Кувасой аҳолиси динамикасини ифодалайди.

2-жадвал

Кувасой аҳолиси динамикаси (2020–2024)[10]

Йил	Аҳоли сони	Ўсиш (%)
2020	118 200	–
2021	120 950	2,3
2022	122 600	1,4
2023	124 100	1,2
2024	125 600	1,2

Кувасойда аҳолининг тахминан 32 фоизини 18–35 ёшли ёшлар ташкил этади, бу эса хизматлар сектори учун катта истеъмол бозори ва саноат зонаси учун меҳнат ресурслари базасини шакллантиради. Бирок, демографик ўсиш фониди ёшлар миграцияси (масалан, 2023 йилда 2100 нафар ёш фуқаро чет элга кетган), иш ўринлари етишмаслиги ва уй-жойга бўлган талабнинг ортиши каби муаммолар ҳам шаклланмоқда. 2024 йилда Кувасойда ишсизлик даражаси 9,8 фоизни ташкил этиб, вилоят ўртачасидан юқорироқ кўрсаткич сифатида қайд этилган. Бу ҳолатлар миграция оқимининг ортиши, аҳоли зичлигининг ўсиши ва инфратузилмадаги ресурс босимининг кучайиши орқали иқтисодий барқарорликка хавф туғдириши мумкин.

Шу билан бирга, маҳалла даражасида оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, саноат зонасида микрокорхоналарни ривожлантириш, ёшлар стартапларини қўллаб-қувватлаш орқали демографик омилларни барқарорлик драйверига айлантириш имкони мавжуд. Маҳаллалар кесимида аҳоли таркибини системали таҳлил қилиш “иқтисодий барқарорлик индекси”нинг муҳим индикаторларидан бири сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Демографик индикаторни формал баҳолаш учун қуйидаги кўринишдаги шаклдан фойдаланиш мумкин:

$$DI = \frac{Yr + Wr - M}{P},$$

бу ерда Yr — ёшлар улуши, Wr — меҳнат ресурслари улуши, M — миграция коэффициентини, P — умумий аҳоли сони. Ушбу индикатор орқали демографик салоҳият ва демографик хавфларни биргаликда ҳисобга олган ҳолда маҳалла иқтисодий барқарорлигини баҳолаш имконияти юзага келади.

2. Гендер омилларининг маҳалла иқтисодий барқарорлигига таъсири

Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш давлат сиёсати даражасида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган бўлиб, ПФ–87-сонли Фармон (2021) ва “Хотин-кизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолати тўғрисида”ги Қонун (2019) гендер иқтисодиёти ривожланишининг ҳуқуқий асосини шакллантиради [7]. Фарғона вилоятида 2024 йилда аёллар умумий аҳолининг 50,9 фоизини ташкил этган, меҳнат бозоридаги иштироки эса тахминан 44 фоиз даражасида қайд этилган [8].

Фарғона вилоятида аёллар бандлиги (2020–2024)[10]

Йил	Банд аёллар улуши (%)	Хотин-қизлар тадбиркорлиги (%)
2020	38,2	8,6
2021	40,1	9,3
2022	42,7	10,4
2023	43,8	11,2
2024	44,0	12,0

Аёллар бандлиги ва тадбиркорлигининг динамикаси 3-жадвалда келтирилган [9].

Ушбу маълумотлар аёллар бандлиги ва тадбиркорлик фаолиятининг муттасил ўсиб бораётганини кўрсатади. Аёллар меҳнат бозорида фаоллашгани хизматлар сектори ривожига, микробизнес ва оилавий бизнес шакллариининг кенгайишига, камбағалликни камайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айниқса уй-рўзғор хизмати, тикув-трикотаж, озиқ-овқат ва турли хизмат кўрсатиш тармоқларида хотин-қизлар тадбиркорлигининг ўсиши маҳалла иқтисодиётида диверсификация жараёнларини тезлаштиради. Бошқа томондан, гендер соҳасида қатор муаммолар ҳам мавжуд. STEM соҳаларида аёллар улушининг паст бўлиши, иш ҳақи тенгсизлиги ва меҳнат миграциясининг гендер асимметрияси аёллар имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳалла даражасидаги иқтисодий барқарорлик потенциали тўлақонли ишга солинмаётганини англатади.

Қувасой шаҳрида гендер иқтисодиёти кўрсаткичлари ушбу тенденцияларни янада конкретлаштириб беради. 2024 йилда шаҳарда аҳолининг 51,2 фоизи аёллар бўлиб, уларнинг меҳнат бозоридаги иштироки 42,6 фоизга тенг. 4-жадвал Қувасойда аёллар бандлиги, тадбиркорлиги ва мутахассислар сони динамикасини ифода этади.

4-жадвал

Қувасойда гендер кўрсаткичлари (2020–2024) [10]

Йил	Аёллар бандлиги (%)	Аёллар тадбиркорлиги (%)	Аёл мутахассислар сони
2020	37,5	7,9	1280
2021	39,0	8,6	1440
2022	41,2	9,4	1570
2023	42,1	10,6	1630
2024	42,6	11,3	1795

Қувасой мисолида аёл тадбиркорлари сони ва аёл мутахассислар улуши йил сайин ортиб бораётгани хизматлар секторининг, хусусан, тикувчилик, озиқ-овқат саноати, гигиена ва бьюти хизматлари, мини-пекарнялар, оилавий боғча типидagi хизматларнинг жадал ривожланаётганидан далолат беради. Бу жараён маҳалла иқтисодиётида микродаражада барқарорликка хизмат қилувчи омил сифатида намоён бўлади.

Гендер омилларининг барқарорликка таъсирини шакллантиришда қуйидаги таркибий моделдан фойдаланиш мумкин:

$$GI = (WE + FE + SE) - (DI + GE),$$

бу ерда WE — аёллар бандлиги, FE — аёллар тадбиркорлиги, SE — ижтимоий-иқтисодий интеграция ва хизматлар тармоғидаги иштирок, DI — дискриминация даражаси, GE — гендер тенгсизлиги индекси. Аёллар тадбиркорлигининг 1 фоизга ўсиши маҳаллий

бюджет тушумида ўртача 0,12–0,17 фоиз ўсишга хизмат қилиши бўйича Статистика агентлиги ҳисоб-китоблари эълон қилинган, бу эса гендер омилларини иқтисодий барқарорлик драйвери сифатида баҳолашни асослайди.

Шу билан бирга, STEM соҳаларида аёллар улушининг пастлиги, муносиб маош масаласида 14–18 фоиз атрофидаги тенгсизлик, болали аёллар учун ишсизлик хавфининг икки баробар юқори экани каби кўрсаткичлар индекс моделларида салбий коэффициент сифатида қайд этилиши мумкин. Қувасой мисолида аёллар бандлиги ўсиши иқтисодий диверсификация манбаи, кичик бизнесда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши хизматлар сектори учун муҳим драйвер, уй бизнесининг кенгайиши эса маҳалла даражасида иқтисодий барқарорликни кучайтирувчи омил сифатида намоён бўлади

3. Миграция жараёнларининг маҳалла иқтисодий барқарорлигига таъсири Ўзбекистонда меҳнат миграцияси ҳудудий меҳнат бозоридаги асимметрияларни юмшатиш, демографик юкламаларни қисман камайтириш ва уй хўжаликлари даромадларини диверсификация қилишда муҳим роль ўйнайди. Фарғона вилоятида 2024 йилда тахминан 210–230 минг нафар меҳнат мигранти мавжудлиги қайд этилган [11]. Уларнинг асосий қисми Россия Федерациясига (60–65 фоиз), Қозоғистон Республикасига (20–22 фоиз), шунингдек Жанубий Корея ва Туркияга (жами 7–10 фоиз атрофида) йўналган. 2022–2024 йилларда мигрантлар миқдорининг 7,5 фоизга ортиши меҳнат ресурсларининг бир қисмининг республикадан ташқарида банд бўлаётганини кўрсатади.

Миграциянинг иқтисодий таъсирини баҳолашда, аввало, миграция трансфертларининг динамикаси муҳим аҳамиятга эга. 2023 йилда Фарғона вилоятига пул ўтказмалари (ремиттанс) жами 1,25 млрд АҚШ долларини ташкил этган [12]. Бу маблағлар маҳаллий бюджетлар, уй хўжаликлари ва кичик бизнесда ликвидликни ошириб, истеъмол ва инвестицион фаолликни кўллаб-қувватловчи омил сифатида намоён бўлади. 5-жадвалда мигрантлар сони, трансфертлар ҳажми ва хизматлар сектори улуши ўртасидаги динамика тизимлаштирилган.


5-жадвал

Миграция трансфертлари ва иқтисодий таъсири

Йил	Мигрантлар сони (минг)	Трансферт (\$ млн)	Хизматлар сектори улуши (%)
2020	180	840	28
2021	192	970	30
2022	202	1140	32
2023	216	1230	33
2024	229	1250	34

Манба: Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Марказий банк, 2024.

Трансфертлар динамикаси 2-расмдаги график кўринишида ифодаланганда, 2020–2024 йиллар давомида маблағлар оқими барқарор ўсиш тенденциясини намоён этаётгани кузатилади. Бу, ўз навбатида, маҳалла даражасида истеъмол бозорини кўллаб-қувватловчи, уй-жой қурилиши, савдо, транспорт ва маиший хизматлар каби тармоқларда талабни оширувчи омил сифатида муҳим аҳамият касб этади.



2-расм. Трансфертлар ўсиши (2020-2024 йиллар)

Миграциянинг ижобий таъсирларини умумлаштирганда, трансфертлар орқали уй хўжаликлари даромадларининг ўсиши, кичик бизнесга сармоя кириши, меҳнат бозоридаги қисман босимнинг камайиши, шунингдек мигрантлар орқали янги касбий кўникмалар ва тадбиркорлик салоҳиятининг қайтиши каби омиллар қайд этилади. Шу билан бирга, ёшлар миграцияси натижасида интеллектуал оқим, маҳаллий меҳнат ресурслари базасининг қисқариши, ижтимоий интеграция муаммолари ва оилаларнинг парчаланиш хавфи каби салбий таъсирлар ҳам мавжуд. Шунинг учун миграция иқтисодий барқарорлик индексида “икки қиррали коэффициент” сифатида қаралиши лозим.

Қувасой шаҳри мисолида миграция жараёнлари янада конкрет кўринишга эга. Шаҳар Фарғона вилоятида миграция оқими юқори бўлган ҳудудлардан бири бўлиб, 2024 йилда 7 800 нафар ёки аҳолининг тахминан 6,2 фоизи меҳнат мигранти сифатида қайд этилган [13]. 6-жадвалда Қувасойда миграция динамикаси ва ўтказмалар ҳажми акс этирилган.

6-жадвал

Қувасой шаҳрида миграция динамикаси (2020–2024)

Йил	Мигрантлар сони	Ўсиш (%)	Трансферт (\$ млн)
2020	6 100	–	21,3
2021	6 500	6,5	23,0
2022	7 050	8,4	25,6
2023	7 450	5,6	27,1
2024	7 800	4,7	28,0

Қувасойга келиб тушаётган трансфертлар маҳалла иқтисодиётида асосий ликвид манбалардан бири бўлиб, қурилиш, савдо, транспорт, маиший сервис ва уй бизнесларининг

ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Бироқ ёшлар миграциясининг 18–35 ёш гуруҳида юқори бўлиши, STEM йўналишидаги кадрлар чиқиб кетиши ва демографик номуносивликнинг кескинлашуви маҳаллий меҳнат бозорининг узок муддатли барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Миграция омилларини индекслаш учун қуйидаги шаклдаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

$$MI = \frac{TR + RM - YL}{L},$$

бу ерда TR — трансфертлар ҳажми, RM — қайтган мигрантларнинг иқтисодий ва инсон капитали салоҳияти, YL — ёшлар миграцияси даражаси, L — меҳнат ресурслари. Ушбу формула миграцияни бир вақтнинг ўзида ҳам барқарорлик манбаи (трансфертлар, қайтган мигрантлар салоҳияти), ҳам хавф омиллари (ёшлар чиқиб кетиши) сифатида баҳолашга имкон беради.

4. Ижтимоий омиллар асосида интеграл иқтисодий барқарорлик индексини шакллантириш

Юқорида кўриб чиқилган демография (D), гендер (G) ва миграция (M) блоклари маҳалла иқтисодий барқарорлигининг асосий ижтимоий мезонлари сифатида қабул қилиниши мумкин. Шу муносабат билан иқтисодий барқарорлик индекси (ИБИ) ни қуйидаги уч блокка таянадиган интеграл кўрсаткич сифатида таклиф этиш мумкин:

1. демографик индикаторлар блоги — аҳоли ўсиш коэффициенти, меҳнат ресурслари улуши, ёшлар улуши ва демографик юклама;

2. гендер индикаторлари блоги — аёллар бандлиги, аёллар тадбиркорлиги, STEM соҳасида иштирок ва гендер тенгсизлиги коэффициенти;

3. миграция индикаторлари блоги — мигрантлар сони, қайтган мигрантлар салоҳияти, трансфертлар ҳажми ва ёшлар миграцияси даражаси.

Демографик блок учта асосий компонент асосида қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$D = \frac{Y + L - DL}{3},$$

гендер блоги эса:

$$G = \frac{WB + FE + SE - GI}{4},$$

миграция блоги эса:

$$M = \frac{TR + RM - YM}{3}.$$

Бу ерда DL — демографик юклама, WB — аёллар бандлиги, FE — аёллар тадбиркорлиги, SE — аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражаси, GI — гендер тенгсизлик индекси, YM — ёшлар миграцияси.

Интеграл иқтисодий барқарорлик индекси қуйидаги тарзда аниқланади:

$$ИБИ = \alpha D + \beta G + \gamma M,$$

бунда α , β , γ — тегишлича демография, гендер ва миграция блоклари салмоқларини ифодаловчи вазн коэффицентларидир. Тадқиқотда $\alpha = 0,4$, $\beta = 0,3$, $\gamma = 0,3$ каби салмоқлар тавсия этилади. Бу танлов демографияни асосий хавф ва имконият манбаи сифатида, гендер омилларини барқарорликни кучайтирувчи, миграцияни эса икки қиррали (барқарорлаштирувчи ва хавф туғдирувчи) таъсирга эга омил сифатида баҳолашга асосланади.

ИБИ қиймати учун қуйидаги шкаладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

Индекс қиймати	Баҳо	Ҳолат
0,75–1,00	Юқори	Барқарор
0,50–0,74	Ўрта	Хавф мавжуд
0,25–0,49	Паст	Барқарор эмас
0–0,24	Кризис	Хавфли

Қувасой шаҳри учун шартли ҳисоб-китобда демографик блок $D = 0,71$, гендер блоги $G = 0,64$ ва миграция блоги $M = 0,58$ деб қабул қилинганда, интеграл индекс қиймати куйидагича аниқланади:

$$ИБИ = 0,4 \cdot 0,71 + 0,3 \cdot 0,64 + 0,3 \cdot 0,58 = 0,65.$$

Бу қиймат Қувасой шаҳрининг ижтимоий омиллар нуқтаи назаридан иқтисодий барқарорлик даражаси ўрта–юқори сегментда эканини кўрсатади. Шу билан бирга, иш ўринларини кўпайтириш, аёлларнинг STEM соҳаларида иштирокини кенгайтириш, ёшлар миграцияси хатарларини камайтириш ва қайтган мигрантлар салоҳиятини маҳаллий лойиҳаларга жалб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлиги аниқланади.

Фарғона вилояти маҳаллалари мисолида ижтимоий омилларнинг иқтисодий барқарорликка таъсирини демография, гендер ва миграция кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, маҳаллий ривожланиш жараёнларида аҳоли таркиби, меҳнат ресурслари, хотин-қизлар бандлиги, ёшлар миграцияси ва пул ўтказмалари каби омиллар марказий ўрин тутаяди. 2020–2024 йиллар статистикаси аҳоли сонининг ўсиши, меҳнат бозорига босимнинг ортиши ва демографик юкламаларнинг кучайганини тасдиқласа-да, ёшлар улушининг юқори бўлиши маҳалла иқтисодиёти учун салоҳиятли ресурс эканини кўрсатади.

Гендер кўрсаткичлар таҳлили хотин-қизлар бандлиги ва тадбиркорлиги ўсишининг уй хўжаликлари даромадларини барқарорлаштириш, хизматлар секторида янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий бизнес фаоллигини кучайтиришда муҳим омил бўлганини аниқлайди. Бир вақтнинг ўзида STEM соҳаларида аёллар улушининг пастлиги ва иш ҳақи тенгсизлиги каби факторлар меъёрий-ташкилий ечимларни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, гендер сиёсатининг маҳалла даражасида амалий механизмлар билан қўллаб-қувватланиши иқтисодий барқарорликни кучайтириши мумкин.

Миграция жараёнлари таҳлили меҳнат мигрантлари сонининг ортиши маҳалла меҳнат бозорида муайян салбий таъсирларга эга бўлганини, аммо пул ўтказмалари (ремиттанс) маҳаллий бизнес ва уй хўжаликлари бюджети учун барқарор молиявий манба сифатида хизмат қилаётганини кўрсатади. Қувасой шаҳри мисолида трансфертлар маҳалла иқтисодиётида ликвидликни ошираётгани ва индивидуал тадбиркорликка туртки бергани, бироқ ёшлар миграцияси интеллектуал ресурслар оқимига сабаб бўлаётгани аниқланди.

Умуман олганда, демография, гендер ва миграция омиллари маҳалла иқтисодий барқарорлигида бир-бирига боғлиқ ва ўзаро таъсирчан элементлардир. Демографик босим ва миграция хавфларини камайтириш, шу билан бирга аёллар бандлиги ва микробизнесни қўллаб-қувватлаш маҳалла даражасида барқарорликни таъминлашнинг муҳим йўналишларидир. Мақолада таклиф этилган интеграл иқтисодий барқарорлик индекси маҳалла секторида ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш имконини беради ва қарор қабул қилишда (бюджет режалаштириш, инвестиция йўналишлари, меҳнат бозори сиёсати) амалиётга татбиқ этиш учун методик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, Фарғона вилояти ва Қувасой мисолида маҳалла иқтисодиётида ижтимоий омилларнинг стратегик аҳамияти тасдиқланди. Янги иш ўринлари яратиш, гендер тенглигини таъминлаш, миграция хатарларини камайтириш ва ремиттансларни иқтисодий

фаолликка йўналтириш маҳалла барқарорлигини оширишда устувор вазифалардан ҳисобланади. Келгусида индикаторлар базасини кенгайтириш ва индекси ҳисоб-китобларини реал пилот маҳаллаларда апробация қилиш долзарб йўналиш сифатида тавсия қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297-IV-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолати тўғрисида”. – Тошкент, 2019 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Тошкент: Адолат нашриёти, 2022.
5. Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент: Адолат нашриёти, 2003
6. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги. Фарғона вилояти статистика бошқармаси: 2024 йил якуний ҳисоботи. – Тошкент, 2025.
7. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги. “Фарғона вилоятида аҳоли сони ва демографик кўрсаткичлар (2020–2024)” статистик маълумотлар тўплами. – Тошкент, 2024.
8. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги. “Ўзбекистонда меҳнат бозори ва ишсизлик даражаси” статистик йилномаси. – Тошкент, 2024.
9. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги. “Гендер статистикаси: хотин-қизларнинг бандлиги ва тадбиркорлиги” маълумотлар тўплами. – Тошкент, 2024.
10. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги. “Меҳнат миграцияси ва ташқи бандлик кўрсаткичлари” бўйича ҳисобот. – Тошкент, 2024.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. “Жисмоний шахслар пул ўтказмалари (ремиттанс) статистикаси” ахборот бюллетени. – Тошкент, 2024.
12. Қувасой шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги статистика бўлими. “Қувасой шаҳрининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари (2020–2024)” ички ҳисоботи. – Қувасой, 2024.
13. Қувасой шаҳар ҳокимлиги. Миграция бўлими маълумотлари: “Қувасой шаҳридан ташқи меҳнат миграцияси ва пул ўтказмалари динамикаси (2020–2024)”. – Қувасой, 2024.
14. Статистика агентлиги. “Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш: минтақавий таҳлил” таҳлилий ахборотномаси. – Тошкент, 2023.